*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 11 may № 19 (452) Sotuvda narxi erkin

## ЮРТИМГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги мажлислар залида алоқачиларнинг касб байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳар алоқа корхоналари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишни Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов табрик сўзи билан очди. Алоқачилар куни муносабати билан ташкил этилган ушбу байрам тантанасида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаев сўзга чиқиб, сўнгги йилларда алоқа соҳасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилганлигини ва бу муваффақиятларга эришишда заҳматкаш алоқачиларнинг қўшган ҳиссалари салмоқли эканлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, бир гуруҳ алоқачилар агентликнинг «Моҳир алоқачи», «Фахрий ёрлиқ», «Ўз касбининг устаси» каби мукофотлари билан тақдирланишди. Мукофотланганлар ўз дил сўзларини изҳор этишди. Йиғилиш сўнгида барча иштирокчилар ва меҳмонлар байрам дастурхонига таклиф этилди.

***Ўз мухбиримиз***

## АЛОҚАЧИЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Тошкент электротехника алоқа институти талабалари Республика Олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилаётган анъанавий фан олимпиадаларида фаол қатнашиб келаётир. Яқинда Тошкент Давлат техника университетида Информатика фани бўйича ўтказилган олимпиадада алоқа институти жамоаси умумий ҳисобда фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Якка тартибда ҳам шу институтнинг 2-курс талабаси Музаффар Бобоев биринчи ўрин насиб этди.

***Обиджон ХИДИРОВ,***
***талаба***

*● Сурхондарёдан дараклар*

## ЛОТИН ЁЗУВИ ЎРГАТИЛМОҚДА

Юртимизда жаҳон андозалари талаби даражасига кўтарилаётган алоқа хизмати бир қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик эвазига хизматнинг тезкор усулини кенг жорий этмоқда. Соҳа ривожи учун қулай ва ихчам жиҳозлар ўрнатилаётганлиги барча ходимларнинг лотин ёзувини пухта ўрганишларини тақозо қиляпти. Шу муносабат билан Термиздаги алоқа уйида лотин ёзуви машғулотлари ўтказилмоқда. Машғулотларни Термиз Давлат университетининг доценти Хушбоқ Холмўминов олиб бормоқда.

## УЧ КАНАЛЛИ РАДИО

Учқизил, Бандихон, Узун ва Сариосиё туманларидаги 150 хонадон уч каналли радиодан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Ўзбекистон радиосининг биринчи дастури, «Машъал» ва «Ёшлар» каналлари орқали берилаётган эшиттиришлар, куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлаётган тингловчилар мазмунли дам олмоқдалар.

Вилоятда уч каналли радио ўрнатиш ишлари ҳозирги кунда ҳам жадал давом эттирилмоқда. Жорий йилда яна мингдан ортиқ хонадон шундай қулайликларга эга бўлади.

***Н. ЗИЕЕВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

*● Мустақиллик одимлари*

## АЛОҚАЧИНИНГ ЖАЙДАРИ ФАЛСАФАСИ



Халқда «Ҳар ким топса феълидан топади» деган доно нақл бор. Маълумки, ишнинг кўзини биладиган, уддабурон, тадбиркор, аммо муомала маданиятидан йироқ, феъл-атвори дағал, қўпол, одамларнинг дарду қувончларига бефарқ, лоқайд раҳбарлар бор ёки аксинча, хушмуомала, меҳрибон, аммо иш юритишга нўноқ, ношуд раҳбарлар ҳам бўлади. Бу икки, муҳим фазилатни ўзида омухта қилиш камдан-кам раҳбарга насиб этади.

Маҳмуджон Собиров Хоразм алоқачиларининг сардори этиб тайинланган илк кунларданоқ самимий, дилкаш-ҳазилкаш, қувноқ одам сифатида таассурот қолдирди. Бундан хурсанд бўлган айрим ҳамкасблари «Феъл-атвори дурустга ўхшайди, бирга ишлашсак бўлади, аммо ишни уддалаб кета олармикин? Алоқа тармоғи қийин соҳа...» – дея ўзаро мулоҳаза юритишди. Уларнинг ҳадиги ўринсиз бўлиб чиқди. Орадан кўп ўтмай ёшулли нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўйди. «Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти республикадаги энг илғор, намунали алоқа корхоналаридан бирига айланди. Пойтахтда ўтадиган йиғилишларда тилга тушди.

Ҳурматли юртбошимиз саъй-ҳаракати билан алоқа соҳасига ҳам чет эл инвестицияси жалб этила бошлангач, Япония ташқи иқтисодий алоқалар банки билан тузилган битимга асосан Хоразм вилояти учун узоқ муддатли икки миллиард юз миллион иен қарз берилди. 1996 йилдан бошлаб вилоят алоқа тизими тарихида янги – юксалиш даври бошланди. Янги раҳбар Маҳмуд Собиров енг шимариб ишга киришди. Унинг етук мутахассис, уддабурон ташкилотчи эканлиги тез орада маълум бўлиб қолди.

Қисқа фурсат ичида кўҳна диёр энг замонавий телекоммуникация жиҳозлари билан таъминланди. Кам харажат сарф қилинган ҳолда Урганч шаҳри ва еттита туманда Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида ишлайдиган рақамли АТСлар ишга туширилди. Тошкентда ўрнатилган йўлдошли антенна Хоразмни пойтахт билан улади. Натижада Хоразм бевосита жаҳон билан алоқа боғлаш имконига эга бўлди.

Хоразмда ўрнатилган рақамли телефон станциялари таркибида «Алоқа ДЭУ» жиҳозлари кенг қўлланилди. Энг узоқ туман ва қишлоқларда ҳам саноқли дақиқада ўзаро алоқа боғлаш билан бир қаторда мустақил каналлар орқали шаҳарлараро ва йўлдошли халқаро алоқага чиқиш қулайлиги яратилди.

Ҳар қандай муаммо-мушкулотни охир-оқибат кадрлар ҳал қилажагини яхши англаган ёшулли ходимлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берди. Чет эл технологиясини ўзлаштириш мақсадида бир гуруҳ алоқачи мутахассислар хорижга юборилди. Рустам Янгибоев, Бахтиёр Мадаминов, Иброҳим Жабборов, Каримбой Ҳамроевлар Японияга, Фарҳод Янгибоев, Шоназар Жуманиёзов, Отабек Самандаровлар эса Кореяга бориб, тажриба орттириб келдилар. Шунингдек, Тошкент электротехника алоқа институтида йигирма икки нафар, Алоқа коллежида тўрт нафар хоразмлик талабалар корхона ҳисобидан шартнома асосида таълим олмоқдалар.

Модомики, янги минг йиллик ахборот асри дея таърифланаётган экан, янги асрда алоқа воситаларидан фойдаланувчи мижозларнинг ишончини қозониш ва уларни ўзига жалб этиш учун соғлом рақобат муҳитини яратиш, қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда алоқа сифатини яхшилаш муҳим масала ҳисобланади. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. С. Абдуллаевнинг ҳар галги ҳайъат йиғилишида бу ҳақда куйиниб гапириши ҳам бежиз эмас, албатта. Хоразм алоқачиларининг муваффақияти «сир»ларидан бири ана шу масалага алоҳида эътибор берилаётганидир.

Моддий манфаатдорлик ҳар қандай тараққиётнинг омили (айниқса бозор иқтисодиёти шароитида) эканлигини кўпчилик билади, аммо бундан ҳамиша ҳам унумли фойдаланавермаймиз. М. Собировнинг иш фаолияти билан яқиндан танишганимда унинг ана ўша синалган усулдан ниҳоятда унумли фойдаланаётганига гувоҳ бўлдим.

Моддий манфаатдорлик асосида жорий этилган янгиликлардан бири – ижарага берилган таксофонлар хизматидир. Бундай таксофонлар асосан бозорлар, катта магистрал йўллар ва аҳоли гавжум жойларга ўрнатилмоқда. Биргина Гурлан туманининг ўзида бундай таксофонлардан ўн олтитаси ишлаб турибди. У ерда бўлганимизда сартарошхона ва туман марказидаги бозорга ўрнатилган таксофонлардан синаш учун қўнғироқ қилиб кўрдим. Пойтахт билан бир марта теришда боғландим, алоқа сифати эса аъло даражада эди.

Хоразмлик алоқачилар янги асрнинг биринчи чорагини ҳам муваффақиятли якунладилар. Электралоқа корхоналари томонидан 402,2 миллион сўмлик даромад олиниб, режа 101 фоизга бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193,5 миллион сўмга кўпдир. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 102,6 фоизга уддаланиб, 5,4 миллион сўмдан зиёд режадан ортиқ хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,8 миллион сўм кўпдир.

М. Собиров билан Урганч кўчалари ва шаҳар атрофини

**(Давоми 2-бетда)**

## АЛОҚА СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Жанубий Корея давлатининг имтиёзли кредити ҳисобига Қувасой, Қува, Фарғона, Қўқон шаҳарларидаги эски станциялар ўрнига Жанубий Корея «ДЭУ Телеком»нинг 25 минг рақамли электрон телефон станцияларини монтаж қилиш ишлари якунига етди.

Шунингдек, Қувасой, Водил, Фарғона, Тошлоқ ва Марғилонни ўзаро боғлайдиган 162,5 километрли узунликдаги оптик толали кабелдан «ҳалқа» барпо этилди. Яқин кунларда «ҳалқа» ишга туширилиб, алоқанинг узлуксизлиги таъминланади. Худди шундай «ҳалқа»нинг иккинчи навбатини ҳам лойиҳалаш ишлари олиб борилябти. Яъни, Қўқон гуруҳ туманларида ҳам алоқа хизмати сифатини яхшилаш ва унинг узлуксиз ишлашига эришиш кўзда тутилмоқда. 2002 йилнинг дастлабки чорагида ана шу «ҳалқа»нинг ҳам ишга туширилиши режалаштирилган.

***Ҳафиза САЛЯХОВА,***
***Фарғона вилояти***

**«ХАБАР»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

# ДАВР ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШИБ

Ватан қудратини юксалтириш ва халқ турмуш фаровонлигини оширишда банк, молия каби қатор иқтисодий органлар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, аҳоли ва халқ хўжалиги корхона-ташкилотларига алоқа хизмати кўрсатувчи турли ташкилотлар ҳисобхоналари зиммасида ҳам бу борада каттагина масъулият бор.

Ўтган 2000 йилнинг июль ойидан иш бошлаган «Бухоро Телеком» АЖнинг марказий ҳисобхонаси бешта бўлимдан иборат бўлиб, қисқа вақт ичида кутилган натижа ва самарадорликка эришилди. Ҳисобхона ходимларининг 31 фоизи олий, 50 фоизи ўрта махсус маълумотига эга. Шунингдек, уларнинг 48 фоизи ушбу корхонада ўн йилдан кўпроқ ишлаб келаётган ходимлар эканлиги ва етарли иш тажрибасига эгалиги ҳам ишдаги ютуқлар омили бўляпти.

Даромадлар бўлими асосан корхона даромадига оид ҳисоб ишларини олиб бориш билан бирга унинг манбаларини таҳлил қилади. Электралоқа хизматига доир бўлим дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириб, уларнинг ҳисобини олиб боради. Ишлаб чиқариш бўлими эса Бухоро шаҳри ва вилоят туманларидаги етакчи ҳисобчилар билан бирга фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнига оид бирламчи ҳисобни олиб бориш билан ҳам шуғулланади. Шунингдек, бу ерда умумий бўлим, ҳисоб бўлимлари фаол ишлаб турибди.

Марказий ҳисобхонанинг ташкил этилиши энг аввало акционерлик жамияти молиявий маблағларини жамиятнинг стратегик вазифаларини бажаришга йўналтириш имкониятини берди. Биргина 2000 йил давомида акционерлик жамияти бўйича асосий воситалар сотиб олишга 80 млн. бошқа материалларга эса 158 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Натижада ишлаб чиқариш анча ривожланди. Аҳолига ва халқ хўжалиги тармоқларига алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Акционерлик жамияти ўтган 2000 йилда собиқ «Халқаро Телеком» акционерлик компаниясига 181 млн. сўм, Япония кредити фоизи учун эса 168 млн. сўм пул ўтказиб, ўз мажбуриятларини тўла бажарди. Бундан ташқари, капитал таъмирлаш учун 84 млн. сўмга яқин пул маблағлари сарфланиб, унинг 64 млн. сўми биноларни таъмирлашга, 20 млн. сўми эса кабел линияларини таъмирлашга сарфланди. Корхонада ўртача ойлик иш ҳақи 2000 йилнинг январ ойида 9342 сўм бўлган бўлса, декабр ойида бу рақам 30069 сўмга етди. Барча харажатлар «Ўзбектелеком» АК томонидан ўрнатилган нормативларга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилди. Банк ва солиқ идоралари билан муносабатларда ҳам туб ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мисол учун, ўтган йил «ДЭУ» компаниясининг муддати ўтган қарзлари харажатлар таркибидан чиқарилгач, акционерлик жамияти вақтинчалик қийин аҳволда турган бир пайтда ҳисобхона қисқа муддатли 100 млн. сўмлик кредит ҳужжатларини муддатидан олдин тайёрлаб, унинг ўз вақтида олинишига катта ҳисса қўшди. Йиллар давомида солиқ кодексининг 32-моддасига мувофиқ бериладиган имтиёздан фойдаланилмаганлиги аниқланиб, акционерлик жамиятига 36 млн. сўмлик солиқ имтиёзи олиб берилганлиги ҳам ушбу йўналишдаги ишларда вақт ўтган сари ижобий натижалар қўлга киритилаётганлиги маълум бўлди. Хуллас, ҳисоб-китоб ишлари марказлаштирилгандан кейин материаллар ва асосий воситаларнинг ягона ҳисоби юзага келди ва акционерлик жамияти фаолиятини улар билан узлуксиз таъминлаш имконияти яратилди.

Марказий ҳисобхона алоқа хизматига оид дебиторлик қарзларни камайтиришга қаратилган ишларни ўзининг асосий вазифаларидан бири сифатида ўз вақтида амалга ошириб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дебиторлик қарздорлиги 2000 йилнинг 1 январида 42,5 млн. сўм бўлган. Йил охирига бориб эса бу рақам 26 млн. сўмни ташкил этди ёки 39 фоизга камайди. Бюджет муассасаларидан алоқа хизмати бўйича схемалар билан 72,5 млн. сўм олинди. Марказий ҳисобхона ишида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ходимларнинг асосий қисми компьютер билан ишлашни яқиндагина бошлаганлиги учун унинг имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Компьютерда ишланган маълумотларда айрим ноаниқликлар борлигининг сабаби ҳам ана шунда. Филиаллардаги бирламчи ҳисоб ишларини талаб даражасида олиб бориш учун ҳам ҳали кўп куч-ғайрат сарф қилишга тўғри келади. Бундан ташқари, акционерлик жамиятида бухгалтерия ҳисобини миллий бухгалтерия стандартларига ўтказиш бўйича етарли даражада тайёргарлик кўриляпти, деб бўлмайди. Шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этиш марказий ҳисобхона томонидан амалга оширилиши режалаштирилган тадбирларда ўз ифодасини топган. Бу эса марказий ҳисобхонанинг давр талабларига мослашишини ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигини кўрсатади.

***Т. ЖЎРАЕВ,***
***«Бухоро Телеком» АК бош ҳисобчиси***

# АЛОҚАЧИНИНГ ЖАЙДАРИ ФАЛСАФАСИ

**(Аввали 1-бетда.)**

айланиб юрарканмиз, ёшуллининг ҳар бир масалага тадбиркор алоқачи мутахассис кўзи билан қарашини илғадим. Вилоят маркази таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, ҳамма жойда қурилиш, ободонлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш ишлари авж олган эди.

– Ана бу ёнма-ён турган Ал-Хоразмий, Беруний боғлари, Ж. Мангуберди ёдгорлиги шахсан президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган! – деди ёшулли фахрланиб. – Мана энди Авесто боғи яратиляпти, Янгибозор деҳқон бозори ишга тушди. Вилоятда коллежлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Биз – алоқачилар учун қанчалик кўп қурилиш, бунёдкорлик бўлса – шунча яхши-да! Негаки, улар бизнинг бўлажак мижозларимиз! Ҳали қурилиш ишлари битмасданоқ уларга вақтинчалик фойдаланишлари учун телефон ўрнатиб беряпмиз. Урганчдаги марказий деҳқон бозорида худо хоҳласа бир ажойиб «Телекоммуникация уйи» барпо этамиз. Унда фақат телефонгина эмас, факс, ксерокопия, электрон почта, интернет хизматлари ҳам жорий этилади. Мижозлар учун ростдан ҳам икки дунё бир қадам бўлиб қолади.

Йўл-йўлакай Урганчдаги кўҳна Охунбобо масжидини зиёрат қилиб ўтдик. Муҳташам, файзли-тароватли бу муқаддас даргоҳ вилоят алоқа корхонасининг ҳомийлигида таъмирланибди. Шунингдек, корхона маҳаллалар, мактаблар, кам даромадли оилаларга ҳам муттасил, баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги болалар оромгоҳининг битта павильони ҳам хоразмлик алоқачилар кўмагида таъмирланди. Хуллас, Хоразмлик алоқачиларнинг хайрли, ибратли ишларини санаб адоғига етиш қийин. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги шу йилнинг кузида бу кўҳна диёрда хоразмликлар тажрибасини республика миқёсида ўрганиш учун махсус анжуман ўтказишни режалаштираётгани ҳам бежиз эмас.

– Оллоҳ инсонни муқаддас ва мунаввар қилиб яратган, – дейди Маҳмуд Собиров. – Қуёшдан, Ердан, табиатдан фойдаланингиз, ҳаводан нафас олингиз, дея шу унсурларни яратди. Ватан улғайтиради, ўстиради, одам қилади, бағридан жой беради! Лекин, буларнинг барини мен қарз деб биламан. Бу қарзни қайтариш керак. Менинг жайдари фалсафам мана шу!

Орамизда мана шундай сўзи билан иши бир, лафзи ҳалол, имон эътиқоди бутун, фидойи одамлар борлигини ўйлаб, кўнглим равшан тортди. Хоразм таассуротларини қоғозга туширяётганимда шундай хушхабарни эшитдим. Алоқа соҳасидаги кўп йиллик ва самарали меҳнатлари учун Маҳмуджон Собиров агентликнинг «Моҳир алоқачи» унвони билан тақдирланди. Заҳматкаш алоқачини ушбу мукофот билан кўп сонли ҳамкасблари ва таҳририятимиз номидан самимий табриклаймиз ва ишларида янги зафарлар тилаб қоламиз!

***Шодмон ОТАБЕК***

## «Ўзбекистон почтаси» ДАКнинг 2000 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича БАЛАНС

Минг сўм

| | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| Асосий воситалар | 17973 | |
| Акциялар | 416466 | |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 5551 | |
| Олиб сотиладиган маҳсулотлар | 327 | |
| Келгуси давр сарфлари | 1217 | |
| Пул маблағлари | 198371 | |
| Дебиторлар | 50574 | |
| Устав капитали | | 392673 |
| Резерв капитали | | 2760 |
| Тақсимланмаган фойда | | 21687 |
| Мақсадли тушум ва фондлар | | 91412 |
| Келгуси давр даромадлари | | 73300 |
| Кредиторлар | | 108647 |
| Баланс | 690479 | 690479 |

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА БЎЙИЧА ҲИСОБОТ

| | Даромад | Харажат |
|---|---|---|
| Маҳсулот сотишдан тушган тушум | 301977 | |
| ҚҚС | | 50331 |
| Соф тушум | 251657 | |
| Ишлаб чиқариш таннархи | | 202601 |
| Ялпи молиявий натижа | 49056 | |
| Маъмурий харажатлар | | 61184 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидаги даромад ва харажатлари | | 29773 |
| Асосий фаолият бўйича молиявий натижа | | 41901 |
| Диведендлар | 22734 | |
| Валютанинг курс бўйича фарқи | 51250 | |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад | 1757 | |
| Умумий молиявий натижа | 75741 | |
| Фойда солиғи | | 10268 |
| Бошқа солиқлар | | 1885 |
| Соф фойда | 63588 | |

Баланснинг ҳаққонийлиги «JOXAR SEVAN» аудиторлик фирмаси томонидан ( 2001 йил 15 февралдаги 00004-сонли лицензия) тасдиқланган.

## ЯХШИЛАРГА ТАЪЗИМДАМАН

Мен алоқа соҳасида 42 йил хизмат қилиб, нафақага чиққан меҳнат фахрийсиман. Ўтган йили сентябр ойида бетоб бўлиб, Ғузор тумани марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимида ётиб даволандим. Шифохонада саккиз ой давомида аҳволимдан узлуксиз хабарлашиб, керакли дори-дармонларни беминнат етказиб берган «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси раҳбариятига, вилоят касаба уюшмаси бирлашган қўмитасига, Ғузор филиали раҳбарияти ва меҳнат жамоаларига ўзимнинг инсоний миннатдорчилигимни изҳор этаман. Мен 42 йиллик меҳнатим зое кетмаганлигини, ҳамкасбларим орасида ҳурматим ва қадрим борлигини юрак-юракдан ҳис қилдим.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, ҳозир соғлигим ва аҳволим яхши.

Дунёда яхши инсонлар кўпаяверсин.

***Йўлдош ҲУСАНОВ,***
***нафақачи,***
***Ғузор тумани***

## ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилояти, Бойсун шаҳар ИИБ томонидан Азамат Панжиевич ТЎРАЕВ номига 1996 йил, 12 декабрда берилган CS 0212260 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Телевизор сотиб оламан.
Телефон: 65-39-61.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти Жарқўрғон филиали жамоаси Жарқўрғон-4 алоқа бўлими бошлиғи **Салимахон ТАНГИРОВА**ни туғилган куни билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, ишларида омад тилаб қолади.

* * *

«Андижон Телеком» акциядорлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона бош директори ўринбосари **Маҳмуд НИЁЗОВ**ни туғилган куни билан, Андижон шаҳар бўлими 25-АТС бошлиғи **Аробиддин УСМОНОВ**ни 55 ёши билан, Охунбобоев филиали АТС техниги **Маҳмуджон НУРИДДИНОВ**ни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга бахт-саодат, оилавий тинчлик-хотиржамлик тилайди.

## ЭЪЛОН!

**ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Профессорлар:**

Менежмент ва маркетинг — 1;
Физика — 1.

**Доцентлар:**

Фалсафа — 3;
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1;
Информатика — 1;
Олий математика — 1.

**Катта ўқитувчилар:**

Физика — 1;
Фалсафа — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича доцентлар, фан номзодлари ва олий ўқув юртларида педагогик иш стажларига эга бўлган шахслар қатнашишлари мумкин.

**Институт манзили: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 108-уй.**
**Телефон: 35-11-50.**

COSCOM GSM уяли алоқа хизматларидан фойдаланинг!

# СЕМИРАМИДАНИНГ САМОВИЙ БОҒЛАРИ

Дунёнинг бу мўъжизаси узоқ ўтмишда Тигр ва Фрот дарёлари оралиғидаги Месопотамия деб аталмиш ҳудудда жойлашган. Бу икки дарё оралиғидаги мамлакат деган маънони англатган. Давлат ҳаётида бу дарёларнинг аҳамияти катта бўлган. Дарёлар серҳосил ерларни, ям-яшил воҳаларни сув билан таъминлабгина қолмай, балки сув транспорти магистрали сифатида ҳам хизмат қилган. Бу магистраллар Месопотамияни Урарту, Эрон, Кичик Осиё, Сурия ва бошқа қўшни давлатлар билан боғлаб турган. Месопотамиянинг маркази Вавилон шаҳри бўлган. Бу шаҳар Тигр ва Фрот дарёлари бир-бирига яқинлашган жойда, Месопоатамиянинг айни марказида жойлашган. Қарийб икки минг йил давомида Вавилон Осиёнинг йирик сиёсий-маданий ва савдо маркази бўлиб келган.

Эрамиздан аввалги V асрда Герадот Вавилон шаҳрига келган ва бу ниҳоятда чиройли шаҳар унда катта таассурот қолдирган. Герадотга шаҳарнинг оқилона ва тўғри режалаштирилгани маъқул бўлган. Шаҳар жуда кўп марта суронли воқеаларни, жангу-жадалларни бошидан кечирган бўлишига қарамай, йилдан-йилга гўзаллашиб бораверган. Айниқса, ассурияликлар Вавилонга муттасил ҳужум қилиб, шаҳарни бир неча бор вайрон қилганлар. Шаҳар аҳолиси ўз шаҳрини мардона ҳимоя қилиб, душманга қаршилик кўрсатган. Фақат Ассурия подшоси Санхерибгина Вавилонни забт эта олган. Шаҳарни босиб олган ассурияликлар унга ўт қўйганлар, талон-торож қилганлар. Санхериб ўз юртини мардона ҳимоя қилган Вавилон аҳолисидан ўч олиш учун бу исёнкор шаҳарни ер юзидан йўқотишга қарор қилган. Қаср ва саройлар, мақбара ва эҳромлар вайрон қилинган. Машҳур Вавилон деворлари ва қаср миноралари яксон қилиб ташланган. Бу ҳам етмагандек, Санхерибнинг буйруғи билан Тигр ва Фрот дарёларига қурилган тўғонлар бузиб ташланган ва шаҳарни сув босган. Бир вақтлар гуллаб-яшнаган шаҳар ўрнида сувдан бўлак ҳеч нарса қолмаган. Бу воқеа эрамиздан аввалги еттинчи асрда бўлган эди. Бироқ бутун бир халқни йўқ қилиб бўлмайди. Аксинча, босқинчи Санхерибнинг ўзи сарой фитначилари томонидан эрамиздан аввалги 681 йилда қатл этилди.

Шуниси таажжубланарлики, бешафқат подшо Санхерибнинг ўғли Ассаргадон шаҳарни қайтадан тиклаган. Жаҳонга машҳур уста меъморлар бу ерга таклиф қилиниб, Ассаргадоннинг буйруғи билан сарой ва қасрлар, жамоат бинолари қайтадан қурила бошлайди. Отаси Санхериб жабру зулмидан шаҳарни ташлаб қочган кишилар қайтиб кела бошлайдилар. Шундай қилиб, шаҳар аста-секин жонланиб, ўзининг асл қиёфасига қайтади. Бора-бора у яна ҳам улуғвор ва гўзал шаҳарга айланади. Эрамиздан аввалги VI асрга келиб, подшо Навуходоносор ҳукмронлик қилган даврда бу шаҳар айниқса юксалиб, тараққий этади.

Вавилонда олий худо ҳисобланган Мардук-Эсагилга бағишланган муқаддас ибодатхона бўлган. Навуходоносор ибодатхона марказида 90 метрлик минора қурдиради. У етти қаватли қуббалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири турли рангларга бўялган. Герадотнинг ёзишича, у миноранинг ана шу ранг-баранг қаватлари оша унинг энг юқори қаватига чиққан ва у ерда худо Мардук ҳайкали ўрнатилганини кўрган.

Вавилонга келган жуда кўп саёҳатчилар бутун дунёга донғи кетган Месопотамия мўъжизаларини кўришга ошиқадилар. Буларнинг ичида энг қизиқарлиси Самовий боғлар деб аталган ва шу ном билан жаҳонга машҳур бўлган мўъжизадир. Подшо Навуходоносор замонида бунёд этилган бундай боғ дунёдаги ҳеч бир мамлакатда йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу боғ дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида тилга олина бошланган. Ҳозирги замон туристлари ва саёҳатчилари Герадот тасвирлаб кетган гўзал боғларни кўра олмайдилар. Ҳозир у боғлар ўрнида минора ва айвонларнинг вайроналари қолган, холос.

Вавилондаги Самовий боғлар ҳақида халқ орасида машҳур бир афсона бор. Афсонага кўра Навуходоносор Каспий денгизининг жанубий қирғоғига жойлашган Мидия деган мамлакат маликасига ошиғу беқарор бўлиб қолган. У маликанинг розилигини олгач, эл-юртга катта тўй қилиб берган ва ёш хотинини олиб марказга, Вавилонга жўнаган. Малика Вавилонга келгач, бу ернинг об-ҳавосидан — иссиқдан қийналган, юраги сиқилиб маъюс юрган. Шунда Навуходоносор Мидиянинг ям-яшил далаларини ва гўзал боғларини эслатиб турадиган бир боғи эрам бунёд этишга қарор қилади. Унинг буйруғи билан дунёдаги энг машҳур бинокор усталар, моҳир меъморлар тўпланиб ишга киришадилар. Ғоят катта минора бунёд этилади. Иншоотга улкан қоя тошлар ишлатилади. Минора тўрт қаватли эди. Ҳар бир қават айлана-қубба шаклида ишланиб, уларни баланд тош устун тутиб туради. Айвонларнинг усти қамиш билан ёпилиб, асфальт қопланган эди. Кейин устидан ғишт терилиб, айвонларга сув ўтиб кетмаслиги учун қўрғошин пластинкалари ётқизилган эди. Сўнг юқорига жуда кўп миқдорда унумдор тупроқ чиқарилиб, бутун том бўйлаб қалин қилиб солинади. Тупроқ шунчалик қалин эдики, унда ҳатто кўп йиллик дарахтларни ҳам ўстириш мумкин эди.

У ерда ўсган ноёб гуллар ва манзарали дарахтлар маликанинг ватанидан келтирилган эди. Бу боғни суғориш учун сувни Фрот дарёсидан олганлар. Сувни тепага кўтариб берадиган чарм идишлар ўрнатилган улкан чархпалакни юзлаб қуллар кечаю-кундуз айлантириб турганлар. Малика иншоотнинг у қаватидан бу қаватига пушти ва оқ мармар ётқизилган кенг зиналардан юриб ўтган...

Мана ўшандан бери орадан кўп асрлар ўтди. Кўҳна шаҳарлар қатори Вавилон ҳам вақт ўтиши билан вайрон бўлиб борди. Даҳшатли сув тошқини Навуходоносорнинг вайронага айлана бошлаган саройини сув остида қолдиради. Бу офат Самовий боққа ҳам етиб боради. Унинг қалин тупроқ бостирилган томлари босиб қолади. Қуббалар ва устунлар нураб тушади. Икки дарё оралиғидаги ерларда инсон қўли билан яратилган боғнинг умри қисқа бўлган. Бир вақтлар ниҳоятда гўзал бўлган саройлар ва қасрлар вайронага айланган.

Ироқ халқ афсонасида ҳикоя қилинишича, Навуходоносордан анча илгари ҳукмронлик қилган Ассурия маликаси Семирамида ҳам Самовий боғ барпо қилган эмиш.

Бу афсоналарнинг қайси бири ҳақиқатган яқинлигидан қатъий назар, халқ кучи, истеъдоди билан бунёд этилган ажойиб иншоот мана икки минг йилдирки, дунёнинг етти мўъжизасидан бири сифатида жаҳонга машҳур бўлиб келмоқда.

***«ЕТТИ МЎЪЖИЗА»* китобидан олинди**



**Хива. Кўҳна арк.**

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган**

## БУЮКЛАР БАХТ ҲАҚИДА

Файласуфлар эмас, балки лўттибозларгина инсон ўз истагича яшаса бахтлидир, дея гап сотадилар. Бу ғирт ёлғон.

***ЦИЦЕРОН***

Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшайди.

***СТЕНДАЛЬ***

Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан далолат беради.

***СУҚРОТ***

Ҳаётда фақат биргина чинакам бахт бор, у ҳам бўлса бошқалар учун яшамоқликдир.

***Л. Н. ТОЛСТОЙ***

Сиз агар бахт орқасидан қувиб, қачондир унга етишсангиз, кўзойнагини ахтарган кампир сингари, бахт доимо бурнингиз остида юрганини сезиб қоласиз.

***Б. ШОУ***

## ҲИКМАТЛАР

• Ақлли, эс-ҳушли аёл ўз эрининг ғазаб отига минганини кўрса сабр қилади. Ғазабининг баттар алангаланишига йўл қўймайди, ўзини тутиб туради, эри ҳовуридан тушгандан кейин унинг ноҳақ эканини тушунтиради.

• Қўшнининг ҳақ-ҳуқуқларидан бири қўшнига ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қилмасликдир. Қўшни касал бўлса ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса ёрдам қилиш, ғамли ва шодлик кунларида ғам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечириш, аҳлу аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёққа кетса уйидан хабардор бўлиб туриш буларнинг ҳаммаси қўшнининг ҳақ-ҳуқуқларидан ҳисобланади. Бундан ташқари қўшни қарз сўраса қарз берилади, мева-чева терилса мева билан йўқланади.

• Бир киши донишманд олдига келиб, ундан: — Айтингчи, мен яхши одамманми ёки ёмонми, буни қандай билса бўлади? — деб сўради.

— Қўшниларингдан сўра, агар улар сени яхши десалар, демак, яхшисан! — деб жавоб берди донишманд.

***Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР***

## ХАНДАЛАР

– Ҳар тонг соат қўнғироғи менга ўқ отилгандай таъсир қилади.

– Чопиб туриб кетсанг керак-а?

– Йўқ. Ҳалок бўлгандай ётавераман.

* * *

Тарози устига чиққан хотин хурсанд бўлганидан эрига қараб қичқирди:

– Азизим, тасаввур қилгин-а, мен икки килограммга озибман!

– Тарозига пардоздан олдин чиқдинг-да, хотин!

* * *

– Севгилим, мен сени кучли двигателли катта машинада сайр қилдирмоқчиман. Истайсанми?

– Бўлмасам-чи.

– Унда автобус бекатига кетдик...

* * *

– Айтинг-чи, сиз яна бирор кишига поэмангизни ўқиб берганингиз йўқми?

– Йўқ.

– Унда кўзингиз нима учун кўкарган?

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги**

•

**Бош муҳаррир:**
**Шодмон ОТАБЕК**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.**

**ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.**
**Факс: 136-36-42.**
**ИНДЕКС: 64600**
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

•

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2439.
7070 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.**
**Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 19.00

1 2 3 4 5 6